O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 26 март сешанба
Сотувда эркин нархда
№ 65 (2893)

## ЗАМОНАВИЙ ТИББИЙ МАРКАЗ

***Истиқлол нафақат бугунги ҳаётимиз, балки миллатимиз келажаги хусусида ҳам қайғуриш имконини берди. Шу боисдан халқимиз, айниқса, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш ва муҳофазалаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Барпо этилаётган кўплаб тиббиёт муассасалари, шифо масканлари, сиҳатгоҳлар бунинг ёрқин далилидир.***

Наврўз байрами кунларида пойтахтимизда ана шундай хайрли мақсадлар учун хизмат қилувчи яна бир тиббиёт муассасаси — Республика Урология маркази очилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К. Тўлаганов марказ очилиши маросимида сўзга чиқиб, мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури изчиллик билан амалга оширилаётганини таъкидлади.

Янги марказ Германияда ишлаб чиқарилган энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Бу ерда олти минг нафардан зиёд беморга малакали ва сифатли тиббий хизмат кўрсатилади, зарур ҳолатларда эса жарроҳлик муолажалари бажарилади. Аҳамиятга молик жиҳати шундаки, эндиликда 2-Тошкент давлат тиббиёт институти магистрларининг ўқув-амалий машғулотлари ҳам айнан мана шу ерда ўтказилади.

Тадбирда Бош вазир ўринбосари Ҳ. Кароматов, Тошкент шаҳар ҳокими Р. Шоабдураҳмонов иштирок этди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 25 март куни Оқсаройда АҚШ Сенатининг Разведка бўйича қўмитаси раиси ўринбосари Ричард Шэлби раҳбарлигидаги Конгресс делегацияси аъзоларини қабул қилди.***





— Сизни ва ҳамкасбларингизни Ўзбекистонда қаршилаш бизга мамнуният бахш этади, — деди Ислом Каримов учрашувда. — Ташрифингиз ўзаро муносабатларимиз тобора ривожланаётганини яна бир бор тасдиқловчи воқеадир.

Мамлакатимиз раҳбари ўзининг яқинда АҚШга буюрган расмий ташрифи самарали кечганидан мамнуният изҳор этди. Сафар мобайнида бўлган учрашувлар АҚШда Ўзбекистон билан муносабатлар кўламини кенгайтиришга интилиш кучлилигини яна бир карра намоён этганини ва Ўзбекистон томони уммонортидан келаётган ҳар бир делегацияга алоҳида эътибор билан қарашини таъкидлади.

Оқсаройдаги учрашувда томонлар Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация, шунингдек, Ислом Каримовнинг сафари асносида имзоланган бошқа ҳужжатлар ўзаро муносабатларни янада ривожлантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилишини қайд этди.

Суҳбат чоғида минтақавий хавфсизлик, аксилтеррор операциясининг бориши, Афғонистондаги вазият, трансмиллий таҳдидларга қарши туришда икки томонлама ҳамкорликка оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

**(ЎзА).**

**СУРАТЛАРДА: қабул пайти.**
**Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар.**

## Қорақалпоқ гилами АҚШда

Ўзбекистон — АҚШ муносабатларидаги янги босқич Оролбўйи диёрида ҳам ўзининг ҳаётбахш ифодасини топмоқда. Америкалик ҳамкорлар Қорақалпоғистонда вужудга келган экологик вазиятни юмшатиш учун холис ёрдам бермоқдалар. Бу борада Кегайли туманидаги Халқобод шаҳарчаси аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш юзасидан берилган донорлик ёрдами таҳсинга лойиқдир.

— Биргина Кегайлининг 46 жойида тоза ичимлик сув манбаи қазилди, — дейди «Ота макон» хайрия жамғармаси ижрочи директори Есназар Усенов. — Шу боис халқободлик қўли гул аёллар уларга эҳтиром сифатида ноёб қорақалпоқ гиламини тўқиб бердилар. Унда халқободликларнинг дил сўзлари битилган бўлиб, у уммон ортига жўнатилди.

**Тўлибой ҚОБУЛОВ,**
**"Халқ сўзи"нинг жамоатчи мухбири.**

## «Умид ниҳоллари»: тайёргарлик тугамоқда

***Фарғона вилоятида бўлиб ўтадиган умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари-2002» республика спорт ўйинлари тобора яқинлашмоқда.***

Айни кунда асосий беллашувлар ўтказиладиган «Нефтчи» марказий ўйингоҳида қайта қуриш ва таъмирлаш ишлари ниҳоясига етмоқда. Шунингдек, Фарғона ва Марғилон шаҳарларидаги теннис кортлари, «Кимёгар» спорт мажмуи, «Шодлик» боғча-лицейи, Фарғона тумани Ёшларобод қишлоғидаги спорт майдонлари, Тошлоқ тумани марказий ўйингоҳида спортчи ёшлар учун барча зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.

Спорт беллашувларини юқори савияда ўтказиш мақсадида уюштирилган умумхалқ шанбалигидан тушган маблағнинг 11 миллион сўми вилоят жамоаси учун спорт кийимлари ва анжомлари сотиб олишга сарфланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев 24 март куни Фарғонада бўлиб, амалга оширилаётган ишлар, спортчи ёшлар учун яратилаётган шарт-шароитлар билан танишди.

Тошлоқ тумани марказий стадионида «Умид ниҳоллари-2002» спорт мусобақаси вилоят босқичининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Маросимда Фарғона вилояти ҳокими А.Отабоев иштирок этди.

**Р. КАМОЛОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

Мамлакатимизга ташриф буюрган АҚШ Сенатининг Разведка бўйича қўмитаси раисининг ўринбосари Ричард Шэлби раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А.Комилов ва мудофаа вазири Қ.Ғуломов билан учрашди.

Мулоқот чоғида Марказий Осиё минтақасидаги хавфсизлик, халқаро террорчиликка қарши кураш, қўшни Афғонистондаги вазиятга оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шу куни АҚШ делегацияси Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида ҳам музокара ўтказди.

**(ЎзА).**

## Қизиқарли мулоқотлар

Республика Маънавият ва маърифат кенгаши «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласи, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил якунларига бағишланган йиғилиши ҳамда халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгаши сессиясидаги нутқларида ўртага қўйилган вазифалар мазмун-моҳиятини ва аҳамиятини аҳоли ўртасида тарғиб ва ташвиқ этишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Шу мақсадда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази билан ҳамкорликда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйлаб маънавий-маърифий, мафкуравий тарғибот гуруҳлари тузилиб, чекка қишлоқ туманлари, аҳоли яшаш жойлари ва маҳаллаларда тушунтириш ишлари олиб бориш кенг йўлга қўйилмоқда.

Ана шундай тарғибот гуруҳларидан бири Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида бўлиб, Денов тумани марказий шифохонаси, ёғ-мой заводи ишчи-хизматчилари, педагогика коллежи талаба ва ўқитувчилари ҳамда маҳалла оқсоқоллари, Шўрчи тумани фаоллари, Шўрчи ун маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси ишчилари, Деҳқонобод ва Ғузор тумани аҳолиси ўртасида очиқ мулоқотлар, баҳс ва мунозаралар, давра суҳбатлари ўтказди.

«Шахс, жамият, ислоҳот ва Ватан равнақи» мавзуидаги мазкур маънавий-маърифий тадбирларда мамлакатимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий ислоҳотларни жадаллаштиришга аҳоли кенг қатламларини жалб этиш юртимизни янада тараққий эттиришда муҳим аҳамиятга эга эканига эътибор қаратилди.

**(ЎзА).**

*Хушхабар*

## БАЛЛИ, ИРОДА!

Дунёдаги энг кучли йигирма нафар теннисчи сирасига кирувчи ўзбекистонлик ракетка маликаси Ирода Тўлаганова АҚШнинг Ки-Бискейн шаҳрида ўтказилаётган «Nasdaq-100 Open» турнирининг тўртинчи даврасига йўлланма олди.

Учинчи босқичда Ирода япониялик Айи Сугиямани мағлубиятга учратди. Биринчи сетда 3:6 ҳисобида имкониятни бой берган ҳамюртимиз кейинги сетларни ўз фойдасига ҳал этди — 6:4, 7:5. Таъкидлаш жоизки, И.Тўлаганова ва А.Сугияма яқиндагина Индиана-Веллзда бўлиб ўтган мусобақанинг учинчи босқичида ҳам ўзаро рўбарў келганди. Ўша учрашувда омад кунчиқар юрт вакиласига кулиб боққан эди.

Ирода Тўлаганова соврин жамғармаси 2 миллион 820 минг АҚШ доллари бўлган ушбу турнирнинг навбатдаги босқичида жаҳоннинг биринчи ракеткаси — америкалик Женнифер Каприатига қарши кортга чиқади.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ.**
**(ЎзА).**

*Наврўз тантаналаридан кейинги ўйлар*

## Байрам байрамдек бўлди



Ўлкамизда байрам кўп. Уларнинг ичида Наврўз шаҳар-қишлоқлардаги аҳолиси зич жойлардагина нишонланиб қолмасдан, оммавий сайл шукуҳи далаю даштларгача, яйлову адирларгача кириб бориши, янги ҳосилга замин яратиш юмушларига, ободончилик ҳашарларига уйқаш ҳолда ҳафталаб давом этиши билан яққол ажралиб туради.

Шундайин ҳам ҳар бир тўй-томошамизда энг тўрдан жой олиб ўрганган қарияларимиз энди янада эъзоз-эҳтиромда бўлганлари учунми, бу йилги байрам ўзгача файзу таровват билан бошланди. Гўё ҳар тўкисда бошимиздан дуолар ёғилаётгандек. Бу ҳол пойтахтимиздаги Алишер Навоий номли боғда ўтган катта томошада ҳам ёрқин акс этиб турди.

Байрам томошаларини ҳар доим алоҳида қизиқувчанлик билан кузатаман. Гоҳида байрамга тайёргарлик йиғинларида иштирок этган пайтларим бўлган. Бундай кенгашларда айрим режиссёрларнинг томошамизни кўплаб жаҳон мамлакатлари кўради, шу боис, тор миллийлик қобиғига ўралиб қолмасдан, масалага кенгроқ ёндашайлик, деган фикрга урғу бериши кишини бироз таажжубга соларди. Ахир хорижлик томошабинлар байрам базмларимизни Ўзбекистонда опера ёки эстрада, балет ёки рок рақсининг бугунги аҳволи қандайлигини чамалаш учун эмас, энг аввало, ўзбекнинг санъатидаги ўзига хосликлар нималардан иборату, унинг илдизи қайси замонларга бориб тақалишини билиб олиш учун томоша қилишади. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, бу байрам томошалари йилдан-йилга халқона бўлабориб, бу йил янада миллийроқ, бойроқ, қувноқроқ ва кўтаринкироқ ўтди.

Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Андижон, Қашқадарё вилоятлари санъаткорларининг чиқишлари жуда нафис бўлди. Қўшни ҳудудда сурункали нотинчликлар бўлиб турган ҳадикли кунларда ўзларини осойишта ва мардона тута олган Алпомишюрак сурхонликлар ўзбекнинг метин саботлилиги ботир аждодлардан мерос қолганини саҳнада ижро этган кўҳна қўшиқларида ҳам баралла ифодалаб беришди. Лекин, «улоқ» барибир Хоразм, Самарқанд ва Фарғонада кетди.

Тошкент вилояти вакилларининг чиқиши «Қардошлик блоки»га айланди, кўпмиллатли республикамиз халқларининг бир оила фарзандларидек тотув бўлиб, бир улуғ мақсад йўлида елкама-елка одимлаб боришаётганининг намойиши сифатида қалбларни тўлқинлантирди. Мамлакатимиз аҳолиси таркибидаги турли миллатлар санъатини айнан шу блокда кўз-кўзлаб, «масалага кенгроқ ёндашиш»ни қиёмига етказса ҳам бўлар экан-ку. Ҳа, юртимиз кўпмиллатли. Вилоятларимиздан бирида қозоқ ёки руслар, бошқасида татар ёки тожиклар, яна бирида корейс ёки қирғизлар нисбатан гавжумроқ яшашади. Шу сабабли, таомилга кўра, асосий эътиборни вилоятлар вакилларининг чиқишлари соф ўзбекона бўлишига қаратибгина қолмасдан, алоҳида «Қардошлик блоки»да барча оғаини миллат санъаткорлар теппа-тенг бўлиб иштирок этишларига бундан буён ҳам кенг шароит яратиб беравериш жуда муҳимдир.

«Эстрада блоки» ва «Болалар блоки»даги айрим жузъий камчиликларни ҳисобга олмаганда, сценарий муаллифлари, режиссёрлар, мусиқий раҳбарлар ва ташкилотчи мутасаддилар байрам томошасини тақдим этишда катта куч сарфлашгани чарақлаб кўриниб турибди. Бу жозибадор томошани юртимиздаги ҳар бир хонадонга олиб киришда, унинг маҳобати ва моҳиятини омма қалбига сингдиришда телевидение, радио ва матбуот ходимлари амалга оширган серзаҳмат ишларни ҳам эътироф этиб ўтиш жоиз.

Байрамнинг эртаси куни Консерваториямизнинг янги биноси очилиш маросими бўлди. Муҳтарам Йўлбошчимиз бу анжуманда сўзлаган нутқида ҳам, журналистлар билан қилган суҳбатида ҳам истибдод даври тазйиқларидан лат еган ўзбекона ғуруримизни,

(Давоми 2-бетда).




### ЮРТИМИЗДА:

#### «Шаҳарлар тинчлик учун»

*Халқаро ҳакамлар ҳайъати тавсияси бўйича ЮНЕСКО Бош директорининг қарорига кўра «Шаҳарлар — тинчлик учун» танловида жаҳоннинг ўнта шаҳри ғолиб деб топилди. Улар орасида ҳамиша навқирон, осори атиқалар шаҳри — Бухорои Шариф ҳам бор. Бухоро шаҳар ҳокимлиги улкан рамзий аҳамиятга эга бўлган маданий ёдгорликларини тиклаш бўйича катта ишларни амалга оширганлиги боис ЮНЕСКОнинг мукофотига сазовор бўлди.*

#### «Чимилдиқ» Японияга боради

*Шу йилнинг 26 мартидан 1 апрелига қадар Японияда «Биринчи Ўзбекистон кинофестивали» бўлиб ўтади. Мамлакатимизнинг Токиодаги элчихонаси томонидан ташкил этилаётган ушбу анжуманда ўзбек киноижодкорлари томонидан суратга олинган «Воиз», «Аёллар салтанати», «Ойижон», «Кичкина табиб» ва «Чимилдиқ» фильмлари «иштирок» этади.*

#### «Миришкор» иш бошлади

*Наманганда Ўзбекистон ва Франция ҳамкорлигининг меваси бўлган «Миришкор» қўшма корхонаси ишга тушди. Ушбу корхона соатига бир тонна уруғлик чигитдан униб чиқиши тўла кафолатланган 700 килограмм чигитни саралай олади.*

#### Ҳасан, Ҳусан ва Юсуф

*Узунлик Дилором ва Аллаёр Шукуровлар хонадонида Наврўз қўшалоқ байрамга айланди. Янгиланиш ва яшариш айёмида улар уч фарзандли бўлишди. Чақалоқларга Ҳасан, Ҳусан ва Юсуф деб исм қўйдилар.*

#### Марҳаматнинг Маҳфирати

*Маҳфиратхон Йўлчиева Марҳамат туманидаги 3-ихтисослашган мактаб-интернатнинг инглиз тили муаллимаси. Яқинда у АҚШнинг Аксельс ташкилоти эълон қилган танловнинг вилоят миқёсида совриндори бўлиб 2 минг АҚШ доллари миқдоридаги китоблар ва кўргазмали қуролларга эга бўлди.*

### ХОРИЖДА:

#### Паспорт бекор қилинди

*Афғонистон Ички ишлар вазирлиги мамлакатда толиблар ҳукмронлиги даврида берилган паспортларнинг бекор қилинишини эълон қилган. 1996-2001 йилларда тарқатилган паспортлар олиб қўйилиши Афғонистон фуқароси бўлмаган халқаро террорчиларни аниқлашда ёрдам беради.*

#### Яна бир қурбон

*Исроил ҳарбийлари танк ва бульдозерларда Фаластиннинг Бразил ҳудудидаги қочоқлар лагерига бостириб кириши натижасида бир фаластинлик қурбон бўлган, уч киши тан жароҳати олган.*



#### Чегарадаги тўқнашув

*Покистон ва Ҳиндистон чегараларида бўлиб ўтган тўқнашувлар оқибатида 9 нафар покистонлик ва 11 нафар ҳиндистонлик ҳарбийлар ҳалок бўлган. Айни пайтда Ҳиндистон ва Покистон чегараларида қарийб бир миллион ҳарбий мавжуд.*

#### Грузия ЕИга аъзо бўлмоқчи

*Европа Иттифоқига аъзо бўлиш «бизга НАТОга аъзо бўлишдан ҳам муҳимроқ». Грузия президенти Эдуард Шеварнадзе «Berliner Morgenpost» газетасига берган интервьюсида ана шундай фикр билдирган.*

#### Қаҳва қон босимини оширмайди

*Америкалик олимлар қаҳванинг инсон соғлиғига доир тадқиқот натижаларини эълон қилишди. Унга кўра, қаҳва одамнинг қон босимини оширмайди. Жон Хопкинс университети мутахассислари илмий изланишларида ҳар куни икки пиёла қаҳва ичимлиги истеъмол қилиш гипертония касаллигини ривожлантирмаслигини тасдиқлашган.*

**«Халқ сўзи», «Туркистон-пресс», «Интернет».**



## Олий Мажлис VIII сессияси олдидан

# Назорат-таҳлил фаолияти ошаяпти

**_Олий Мажлиснинг навбатдаги сессиясига саноқли кунлар қолди. Сессия кун тартибига киритилган масалалар юзасидан олиб борилаётган ишлар охирлаб бораяпти. Шу боис биз Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг айни пайтдаги фаолияти билан қизиқиб, унинг раиси Илгизар СОБИРОВга «Сиз раҳбарлик қилаётган қўмита сессиялар оралиғида нималарга улгурди?» деган савол билан мурожаат қилдик._**

— Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ўтган давр мобайнида 18 аъзодан иборат таркибда фаолият олиб борди. Шу давр ичида қўмита қонунчилик ва назорат-таҳлил фаолиятининг 2002 йилга мўлжалланган режаси ва ўтказиладиган тадбирлар тўғрисидаги масалаларни Олий Мажлис Кенгаши муҳокамасига киритиш юзасидан тегишли ишларни амалга оширди. Олий Мажлис Кенгашининг 2002 йил 6 февралдаги Қарори билан қўмитанинг 2002 йил учун иш режаси ва ўтказиладиган тадбирлар маъқулланди.

Қонунчилик фаолияти юзасидан қўмита аъзолари сессия муҳокамасига киритилаётган иккита қонун лойиҳаси устида ишловчи ишчи гуруҳ фаолиятида қатнашмоқда.

Қонунлар ижросини назорат-таҳлил фаолияти юзасидан Олий Мажлиснинг қўмита ва комиссияларининг 2002 йил учун тасдиқланган режаларига мувофиқ мамлакатимизда тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижросини назорат қилиш борасида республика Бош прокуратураси амалга ошираётган ишлар тўғрисидаги масала ўрганилди. Яқин кунларда қўмитанинг кенгайтирилган йиғилишида ушбу масала муҳокама қилиниши мўлжалланмоқда.

Тарғибот, ташвиқот ва услубий ишлар борасида ҳам бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Қўмита аъзолари Олий Мажлиснинг еттинчи сессиясида кўриб чиқилган масалалар ҳамда 2002 йил 27 январда ўтказилган Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида ўз сайловчилари ва кенг халқ оммасини хабардор қилиш мақсадида жорий йилнинг 25 январигача жойларда учрашувлар ўтказдилар.

Референдумдан сўнг қўмитамиз Олий Мажлис ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ва Тошкент давлат юридик институти билан ҳамкорликда мамлакатимизда икки палатали парламентнинг тузилиши, фаолияти ва истиқболи масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказди. 5 март куни Тошкент давлат юридик институти ташаббуси билан ташкил этилган «Ўзбекистон Республикаси Парламенти: бугуни ва истиқболи» мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман ишида иштирок этдик.

12 мартда эса Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш маркази тингловчилари билан қўмита фаолияти юзасидан учрашув ўтказилди.

Ўтган давр қўмитамиз учун давлат идоралари ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлик фаолиятида анча самарали бўлди. Қонунчилик ва назорат-таҳлил ишларини амалга оширишда улар билан яқиндан ҳамкорлик қилинди. Президент Фармони билан ташкил этилган Давлат-ҳуқуқ, суд тизимини такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш масалалари бўйича Кенгашнинг иш режасини тайёрлаш юзасидан таклифлар беришда фаоллик кўрсатилди ва ушбу Кенгаш ишларида яқиндан иштирок этилмоқда.

Олий Мажлиснинг навбатдаги сессияси муҳокамасига киритилган қонунлар лойиҳаларини муҳокама қилишда Олий Мажлиснинг қўмита ва комиссиялари, Инсон ҳуқуқлари мониторинги институти, юридик, Назорат-ахборот ҳамда Матбуот ва таржималар бўлимлари билан яқиндан ҳамкорлик қилинмоқда. Бундан ташқари, Европа Иттифоқи ТАСИС дастурининг Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик жараёнларга кўмаклашиш лойиҳаси асосида эълон қилинган тендер ғолиби АБУ-Консалт халқаро компанияси билан ҳамкорлик қилувчи Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ва Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти билан биргаликда лойиҳада белгиланган тадбирларни ҳам амалга ошираяпмиз.

**«Халқ сўзи» мухбири Салим ДОНИЁРОВ ёзиб олди.**

# Орасталик – Ватан кўрки

*Иш юзасидан деярли ҳар куни Андижон шаҳрида бўламан. Шаҳар қиёфасининг кун сайин ўзгариб бораётганидан бошим осмонга етади, гоҳида эса кўнгил хижил тортади. Сабаби, шаҳар ичкарисидаги айрим маҳалла ва кўчаларда турли хил чиқиндилар уюлиб ётади.*

*Биринчи автокорхона жамоаси зиммасига ўша ахлатларни ўз вақтида олиш вазифаси юклатилган. Бироқ улар ўз бурчларини унутиб қўйишяпти. Мен, ўша корхонага бориб, унинг раҳбари Латифжон ака Маҳмудовга мулоҳазаларимни айтдим. Раҳбарнинг айтишича, корхонадаги 15-20 та махсус машиналар билан чиқиндиларни тўла олиб чиқиб кетиш мушкул экан. Бунинг сабаби ёнилғи ва эҳтиёт қисмларнинг етишмаслигига бориб тақалар экан. Шунингдек, аҳоли томонидан ахлат тўкиш режимига амал қилинмаслиги, чиқиндилар олиб кетилгандан кейин орадан кўп ўтмай яна ахлат тўкилиши ишга салбий таъсир кўрсатар экан.*

*Сабаблар кўп. Бироқ уни бартараф этиш, муаммолар ечимини топиш шарт. Хўш, бунинг учун нима қилиш керак?*

*Эсимда, болалик пайтларимизда ахлатлар ҳеч қачон кўчага олиб чиқиб ташланмас ёки ариққа оқизилмас эди. Ҳар бир ҳовлида ўра бўларди. Йиғилиб қолган чиқиндилар сараланиб ўрага ташланар, тўлгач устига тупроқ тортиб кўмиларди. Кузга бориб хазонлар чорва молларига бериларди. Ҳозирга келиб ўша ҳандақларни биров эсламай қўйди. Топиб олганимиз кўча бўлиб қолди. Ахир ўзимиз ташаббус кўрсатмасак чиқиндилар уюми кўпайса кўпаядики, асло камаймайди. Маълумки, бу шаҳар хуснига доғ бўлиб тушишдан ташқари атроф-муҳитга, ҳатто саломатлигимизга таъсир қилмай қолмайди.*

*«Чиқиндилар тўғрисида»ги қонуннинг мақсади чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш борасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир. Чиқиндиларнинг инсон ҳаёти ва саломатлигига, табиатга зарарли таъсирининг олдини олиш, уларнинг ҳосил бўлишини камайтириш ҳамда чиқиндилардан хўжалик фаолиятида оқилона фойдаланишни таъминлаш сингари долзарб масалалар эса қонуннинг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Қонун лойиҳасини ўқир экансиз, чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга оширишдаги махсус ваколатли органлар, маҳаллий ҳокимият идораларининг вазифалари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам белгилаб қўйилганига амин бўласиз.*

*Чиқиндиларни тўплаш, сақлаш ва зарарсизлантириш, ташиш, кўмиб ташлаш, шунингдек, қайта ишлаш каби вазифалар устидан давлат назорати ўрнатилиши айни муддаодир. Бу юртимиз, шаҳар ва қишлоқларимизнинг обод, кўркам бўлишига хизмат қилади.*

**Н.РАҲИМОВ, Пахтаобод туманидаги Маданият қишлоғи, тадбиркор.**



# Байрам байрамдек бўлди

(Давоми. Боши 1-бетда).

оламда ўхшаши йўқ ўзлигимизни жаҳонга яна борлиқ бўй-басти билан намойиш этишнинг пайти келганлигини қайта-қайта таъкидлаб ўтди. Дунёнинг Осиё, Европа, Америка ва Африка қитъаларидаги 56 давлатига телеэфир орқали тўғридан-тўғри узатилган Наврўз томошасида халқимизнинг ўтмиши, буюк аждодларимизнинг қадимдан-қадим удумлари, бугун ким бўлганимиз, улуғвор орзу-истакларимиз кўламли тарзда ифодасини топганлиги Президентимизнинг бу эзгу даъватига амалий жавоблардан бири бўлиб туюлди.

Минг афсуски, Наврўзни кўп бор таҳқирладик, табаррук урф-одатларимизнинг юзига оёқ қўйган вақтларимиз бўлди. Бу халқимизнинг жоҳиллиги туфайли эмас, халқ етакчиларининг ғурурсизлиги, тоталитар тузум мактабида суяги қотган авлодга мансуб зиёлиларнинг анчагинаси «тарих»дан чаласаводлиги боис содир бўлди. Қанчалар уятли бўлмасин, очиқ тан олишим керакки, камина ҳам яқин-яқингача Наврўзни араб ёки форслардан ўтиб келган бир маросимча деб ўйлардим. Юртимизга келиб-кетган Шарқ сайёҳлари ва алломалари бундан бир неча асрлар илгари ёзган асарларида ўз ватандошларига туронзаминдаги баҳорги байрам тадбирлари, бу байрам билан боғлиқ гўзал урф-одатлар, оммавий сайллар, бошқа бирон юртда учрамайдиган ўзига хос пишириқлар ҳақида ҳайрат билан ҳикоя қилганини ўқиб билганимдан кейин ҳамма нарса бирдан ойдинлашди. Демак, бу ўз-ўзимизнинг байрамимиз, унинг ижодкорлари ўзимизнинг бобою момоларимиз, бу гўзал удумлар ўзгаларга биздан тарқалиб, айримлари ўзга маданиятлардан янада сайқал топган ҳолда тағин ўзимизга қайтиб келган. Демак, Наврўз туркий халқларнинг ўта қадимий Кунтуғди байрами замирида шаклланганлиги борасидаги қарашларда мантиқ бор. Айнан мана шу диёрда ҳали Мустақилликни қўлга киритмасимиздан олдиноқ Юртбошимиз Наврўзни умумхалқ байрами сифатида нишонлаш тўғрисидаги Фармонга имзо чекишида ҳам ўзига хос маъно, илоҳий рамзийлик бўлса ажаб эмас.



Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ҳашарлари, сумалак базмлари, кўнгилочар сайллар ҳали тугагани йўқ, байрам давом этмоқда. Лекин, пойтахтимизда бўлиб ўтган катта томошанинг кўрку салобатидан олинган таассурот ҳануз дилларга алоҳида ҳузур бахш этиб турибди.

Ўзбекка фалончининг тўйи қалай ўтди, дея савол берсангиз, ё «тўй тўйга ўхшамади», ё «тўй тўйдек бўлди» деб қисқа жавоб қайтариб қўя қолади. Ўзбекчасига айтадиган бўлсак, байрам байрамдек бўлди, Наврўз томошасида ҳам, сайлу анжуманларимизда ҳам умумхалқ базмининг руҳи гуркираб турди.

**Анвар ОБИДЖОН, Ўзбекистон халқ шоири.**

**_Бугун республикамиз иқтисодий салоҳиятининг юксалишини қўшма корхоналарсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Ҳозирги кунда биргина пойтахтимизда АҚШ, Япония, Жанубий Корея, Германия, Буюк Британия, Франция, Италия, Туркия каби мамлакатлар билан ҳамкорликда барпо этилган “Ўзкейс-трактор”, “ЎзБАТ”, “Спектр”, “Ўзтексано”, “ЎзДЭУ электроникс”, “Кабул-Ўзбек Компани” каби корхоналар ўз сифатли маҳсулотлари билан мамлакатимиз иқтисодий қудратини юксалтиришга хизмат қилаётир._**



# КЕНЖАДАН УМИД КАТТА

Юртимизда Наврўз шодиёналари кенг нишонланаётган шу кунларда пойтахтимизда ана шундай қўшма корхоналар сони яна биттага кўпайди. Тошкент шаҳрида “Шайхонтоҳур Текстиль” Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдураҳмонов, Туркиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Решит Уман ва бошқалар тадбирда сўзга чиқиб, Ўзбекистонда хорижий сармоя иштирокида иқтисодиётни янада ривожлантиришга катта аҳамият берилаётганини таъкидлади.

Жумладан, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Бош инвестиция бошқармаси, Туркиянинг “Sedat Textil” фирмаси, “Atlantic” ва “Caglayan” корхоналари ҳамкорлигида ташкил этилган “Шайхонтоҳур Текстиль” қўшма корхонаси 4 миллион 700 минг АҚШ долларилик низом жамғармасига эга бўлиб, асосан маҳаллий хомашёдан экспорт учун трикотаж маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Ушбу лойиҳани амалга оширишда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Иш жойлари билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармасининг 425 миллион сўм миқдоридаги кредит маблағидан ҳам фойдаланилган.

Эътиборга молик жиҳати, “Шайхонтоҳур Текстиль” йилига умумий қиймати 8 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 2,5 миллион дона трикотаж маҳсулоти ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Ҳозир ишга туширилган корхонанинг биринчи навбатида 700 иш ўринли бичиш, тикиш, дазмоллаш каби цехлар фаолият кўрсатяпти. Бу ерда ойига 300 минг дона тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилади. Янги корхонанинг “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” белгиси билан тайёрланадиган кийим-кечаклари келгусида асосан Европа давлатлари ва АҚШга экспорт қилинади.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.**
**Карэн АГАМЯН («Туркистон-пресс») олган сурат.**

## «Капиталбанк»:
# мулкчилик мақомидаги ўзгариш

Марказий банк хусусий акциядорлик-тижорат «Капиталбанк» акциядорларининг банкни ёпиқ акциядорлик жамиятидан очиқ акциядорлик жамиятига ўзгартириш тўғрисидаги қарорини маъқуллади.

— Банк мулкчилик мақомининг ўзгартирилиши унинг устав капиталини ошириш учун яхши имконият яратади, — дейди банк бошқаруви раиси Дониёр Орифжонов. — Ҳозирги пайтда банк устав капиталини акцияларнинг иккинчи эмиссиясини чиқариш йўли билан 400 миллион сўмга ошириш тўғрисидаги Марказий банк рухсатномаси олинган.

«Капиталбанк» ўз фаолиятини ўтган йилнинг май ойида 100 миллион сўм устав фонди билан бошлаган эди. Банк муассислари жисмоний ва юридик шахслардир. Улар орасида «Лорена», «Лорена-дон» каби қўшма корхоналар бор. Бугунги кунда банк капитали 560 миллион сўмни ташкил этади.

— Жисмоний ва юридик шахсларнинг бўш пул маблағларини улар учун юқори даражада фойдали бўлган молиялаш ва кредитлашга жалб этиш банкнинг асосий мақсадидир, — дея сўзини давом эттирди Д.Орифжонов. — Банкнинг кичик ва ўрта бизнес корхоналарини молиялаш юзасидан ҳам фаоллиги ошиб бормоқда.

Жорий йилнинг 1 марти ҳолатига кўра, банк активлари 554 миллион сўмни, кредит портфели эса 230 миллион сўмни ташкил қилади. Бундан ташқари, фуқароларнинг 57 миллион сўм маблағи муддатли омонатларга жалб этилди.

Банк ҳозирги замон бизнеси талаблари ва мижозларининг эҳтиёжларини қондириш, операциялар ва кўрсатилаётган хизмат турларини кенгайтириш мақсадида тез орада хорижий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи Марказий банкнинг бош рухсатномасини олишни режалаштирган. Бу хусусий банк секторидаги бозор инфратузилмасини, умуман, иқтисодиётни ривожлантиришини тезлаштириш имконини беради.

**Саида ИНОҒОМОВА.**

# Ер ўз эгасини топмоқда

Қарздорлик юки оғир. Буни Тўрақўрғон туманидаги «Ибрат» ширкат хўжалиги аъзолари яхши билишади. Бундан икки йил аввал улар хизмат кўрсатиш тармоқлари ва таъминот корхоналаридан 100 миллион, иш ҳақидан 16 миллион сўм қарздор бўлиб қолишганди. Бошқарувнинг янги раиси Олимжон Бозоров мавжуд аҳволни ипидан-игнасигача таҳлил қилар экан, бир нарса диққатини тортди. Йил давомида пудратчилар учун ҳисобланган 88 миллион сўм иш ҳақининг 33 миллион сўмини туман марказидан жалб этилган ҳашарчилар олиб кетишибди. Пудратчиларнинг аксарияти ягана, чопиқ ишларида ёрдамчиларнинг кўмагига ўрганиб қолган, уларда боқимандалик кайфияти илдиз отган экан. Далага меҳрсиз, экини тақдирини бировга ташлаб қўядиган «деҳқон»лардан нимани кутиш мумкин?

Раис талабни қаттиқ қўйди: парваришнинг уддасидан чиқа оладиган кишигина пудрат билан шуғуллансин! Энди ерни эгаллаб олиб, заҳматини бошқаларга раво кўрадиганларга ўрин йўқ.

У айтганини қилди. Экинзорлар ҳақиқий эгасини топиши учун танлов эълон қилинди. Ғалвир сувдан кўтарилганда, олдинги йилги пудратчиларнинг ярмидан ортиғи сафдан чиқди. Ўрнини навбатда турган тажрибакорлар эгаллашди.

Бунинг устига, раис бошлиқ мутахассислар улар билан баравар югуришди, ўғитини, техникасини вақтида таъминлашди. Энг муҳими, иш ҳақидан қарзлар узилиб, кейинги тўловлар вақтида амалга оширилди, одамларнинг меҳнатга муносабати ўзгарди. Талашиб-тортишиб ер олганларнинг аксарияти оғзидан ҳам, қўлидан ҳам иш келадиган кишилар экан. Далаларга ҳашарчини йўлатишмади. Аксинча, оилалари билан астойдил ишлаб, қўллари пул кўрди, рўзғорларига барака кирди. Пировардида, хўжалик ҳам бирмунча оёққа туриб олди: ғаллачиликдаям, пахтачиликдаям ўсиш кузатилди. Пахтачиликда ишлаганларга иш ҳақи, мукофотлардан ташқари 63 тонна пахта ёғи, 300 тонна кунжара, 210 тонна шелуха тарқатилди.

### Ислоҳот мевалари

Хўжалик молия маркази раҳбари Жаҳонгир Маҳмудовнинг айтишича, ўтган йили пахта ва ғалладан 385 миллион сўм даромад олинган. Соф фойда салкам 8 миллион сўмга етган. Бу — умумий кўрсаткичлар. Яна пудратчиларнинг иш натижалари борки, уларга қараб ўсиш миқёсини аниқ ҳис этасан, киши. Масалан, Исоқжон Ўринов бошлиқ оилавий пудрат пахта ҳосилдорлигини бир йилдаёқ 32 центнердан 41,6 центнерга кўтарди. Шунга яраша 2 миллион 305 минг сўм иш ҳақига эга бўлди. Бу — оила хазинасига ойига 210 минг сўмдан пул кирди, дегани. Қайси тадбиркорникидан кам бу? Пудратчи оилага бунга қўшимча 1350 кило пахта ёғи, 4700 кило кунжара, шунча миқдорда шелуха ҳам тегади.

Юқори натижаларга эришган пудратчилар кўп бу ерда. Гектаридан 65-70 центнердан ҳосил етиштириб, омборига 4-7 тоннадан ғалла тўкиб олган Абдумалик Ғаниев, Умаржон Саломов, Салимбой Бозоровларни айтинг. Барининг меҳнат маҳсулидан кўнгли тоғ.

Бироқ ер олганларнинг ҳаммаси шартномани дўндириб қўйди, дея олмаймиз. Шу боис айрим пудратчилардан ер қайтариб олинди. Масалан, Мурод Ҳусанов шартнома шартларини

58, Собир Аҳмадалиев 69, Тожибой Жўраев 63 фоиз бажарганликлари учун уларга нисбатан шундай чора кўрилди.

Ислоҳотлар тўлқинида қаддини ростлаб олган хўжалик бошқаруви, меҳнат жамоаси бугун экиш-тикиш ишларини жадал олиб бормоқда.

— Бу йил пудратчилар орасида бошқача танлов ўтказдик, уларнинг энг салоҳиятлилари танлаб олиниб, экинзорлари йириклаштириб берилди, — дейди бошқарув раиси О.Бозоров. — Бултур пахтачилик билан 425 пудратчи шуғулланган эди, улар сони тенг баравар қисқарди. Аммо ҳар бирига 8-15 гектардан ер берилиши экинзорнинг яхлит ҳолда бир деҳқон қўлида бўлишини таъминлайди. Бу — барча экин бир хил парваришланиб, бир хил ҳосил беради, деганидир.

Иш юритишнинг энг мақбул йўлларини танлаб олаётган хўжалик раҳбарининг фикрига қўшилмай иложимиз йўқ.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# ТОМИ ТЕШИК КУТУБХОНА

**_Шундай кутубхонаям борми? Мабодо бўлса, у қаерда дейсизми? Марҳамат, эшитинг. Қашқадарё вилоятининг маркази — Қарши шаҳрида жойлашган Сайидо Насафий номли вилоят кутубхонасига келинг. Кўрасиз. Агарда икки кун аввал ёмғир «шир» этган бўлса, бу ерда тўрт кун томчи чакиллайди. Сабаби — томи илма-тешик. Биз борган куни ҳам кутубхона остонасини ҳатламай туриб, пештоқдан шовуллаб тушаётган ёмғир томчиларига дуч келдик. Эшикдан ҳатлаб, ичкарига қадам қўйишимиз биланоқ чап томондаги полнинг кўллаб ётганини кўрдик. «Мажлислар зали» шифтининг сувоқлари кўчай-кўчай деб турарди._**

## ЯХШИДИР АЧЧИҚ ҲАҚИҚАТ

— Кутубхонадан «пинг» бўлиб чиқиб кетаяпман, — дейди Қарши шаҳридаги Гунгон маҳалласида истиқомат қилувчи Абдусаттор Мансуров.

— Нега? — саволга тутамиз уни.

— Нега бўларди, — хуноби чиқиб гапиради у. — Кутубхонанинг 3-қаватидаги қироатхонага боринг. У ерда на газета, на китоб ўқиб бўлади. Қироатхона эмас, томчихона-ку!

— Сизга қандай китоблар керак эди. Топдингизми? — гапни бошқа ёққа бурамиз уни сал ҳовуридан тушириш учун.

— Топдим. Фақат давлат тилида эмас. Гулчиликка оид ўзбекча китоблар йўқ экан. — Шундай деганча у яна қўлини пахса қилиб гапириб кетди.

— Мен бир нарсага ҳайронман. Кейинги йилларда Эски шаҳардаги «Хиёбон»ни неча марта бузиб қуришди. Темирйўл вокзалини айтмайсизми? Ҳар 2-3 йилда бир бузишади, қуришади, яна бузишади. Уларга қараб, ҳой, барака топгурлар, етти ўлчаб, бир кес, деб айтилган-ку ахир. Наҳотки, шаҳарда бўлмаса, вилоятда шунинг иложи топилмаса, дегинг келади. Ё пул осмондан тушаяптими? Агар пул ошиб-тошиб ётган бўлса, мана бу кутубхонага бер, обод қил, одамлар раҳмат дейишсин. Йўқ.

Шу пайт суҳбатимизга қулоқ солиб турган кишилардан бири луқма ташлаб қолди.

— Сиз «Халқ сўзи» газетасиданмисиз?

— Ҳа.

— Нега кутубхонада «Халқ сўзи» йўқ?

Мен кутубхона директори Бахтиёр Файзиевга қарайман. У эса елка қисиб: «Пул бўлмаганлиги сабабли «Халқ сўзи»га обуна бўлолмадик», — дейди ер чизиб. Ва қўшиб қўяди:

— 2001 йил 27 декабрда 130 минг сўм беришди. Шунга феврaль ойида 18 номдаги газетага обуна бўлдик, холос.

Кутубхонанинг 2-қаватидаги «Қишлоқ ва техника адабиётлари» бўлимида кутубхоначи Замира Мустафоқулова томчилардан кўллаб ётган полни артаётган экан.

— Китоб жовонларини бир амаллаб томчи тушмайдиган жойга суриб қўйдик, — дейди у пол латтани челакка ташлай туриб.

Гапнинг қисқаси, вилоят кутубхонасида 2001 йил учун газета-журналлар обунасига 760 минг сўм, бу йил эса 130 минг сўм ажратилган. Йил сайин ўсиш ўрнига тескариси. Балки китоблар олиш учун кўпроқ пул ажратилгандир, дерсиз. Ўтган йили 661 минг сўмга китоб олинган, холос. Хўш, бу нима бўлади?

Айтиш керакки, кутубхона директори Бахтиёр Файзиев ҳам, кутубхоначилар ҳам ўз ишига меҳр қўйган одамлар. Улар сидқидилдан ишлашаётир. «Сорос» фондининг 4 минг 160 АҚШ доллари қийматидаги грантини олиб, компьютерлар харид қилинганлиги ҳам шуни тасдиқлайди. Бу йил улар яна шу фонднинг 8 минг 169 АҚШ доллари қийматидаги грантини олиш учун ҳужжатлар тайёрлаб, лойиҳани муваффақиятли ҳимоя қилишди.

— Китобхон кўп, талаб катта, — дейди Бахтиёр Файзиев. — Лекин китоб тугул, газета-журнал ҳам етарли эмас. Шароитни кўриб турибсиз. Томдан чакка ўтади...

Буларни айтишдан муддао шуки, мутасадди раҳбарлар Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг «2001 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги қарорида айтилганларни бажаришга шошилса ... Ушбу Қарорда «...ҳокимликлар кутубхоналар фаолиятини ташкил этиш, уларнинг моддий-техника базаси, маърифат-тарғибот ишлари амалга оширилиши аҳволини текширсинлар» деган сўзларни унутиб қўйишмаса. Текшириш жараёнида вилоят кутубхонасининг (бошқа кутубхоналарни қўя турайлик) томини ёпишга, кутубхонага китоб, газета-журнал олишга маблағ ажратиш зарурлиги уларнинг ёдига келар, ахир. Наҳотки кутубхона учун маблағ топилмаса? Ҳеч ишонгинг келмайди. Назаримда, пул эмас — эътибор йўқ, холос. Эътибор бўлса, вилоят кутубхонаси бу аҳволга тушиб қолмасди. Ё нотўғрими?

**Нарзулла РАВШАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2002 йил 26 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 368,20 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 989,66 |
| 1 Дания кронаси | 81,98 |
| 1 БАА дирхами | 189,34 |
| 1 АҚШ доллари | 695,38 |
| 1 Миср фунти | 150,52 |
| 1 Исландия кронаси | 6,93 |
| 1 Канада доллари | 440,70 |
| 1 Хитой юани | 84,01 |
| 1 Малайзия ринггити | 183,02 |
| 1 Польша злотийси | 169,30 |
| 1 СДР | 869,70 |
| 1000 Туркия лираси | 0,52 |
| 1 Швейцария франки | 417,17 |
| 1 ЕВРО | 609,08 |
| 10 Жанубий Корея вони | 5,27 |
| 10 Япония иенаси | 52,38 |
| 1 Россия рубли | 22,31 |
| 1 Украина гривнаси | 130,65 |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

*Миллий дастур ниҳоллари*



***Иқтидорли ёшларнинг махсус билимларни эгаллашлари учун барча шарт-шароитларни яратиш узлуксиз таълим тизимининг асосий тамойилларидан биридир. Зеро, ал-Хоразмий номидаги Республика кичик академияси ташкил этилиб, унинг дастлабки сессияси иш бошлагани Беруний, ал-Хоразмий, Фаробий, Улуғбек сингари буюк алломаларимиз издошлари, ажаб эмас, шу ёшлар орасидан ҳам етишиб чиқса, деган ишонч уйғотади, кишида.***

***Бу қандай академия, уни ташкил қилишдан мақсад нима?***

# Кичик академиянинг илк сессияси

— Дастлаб, йил бошида ёшлар ўртасида математика, унинг йўналишларига таалluқли саволлар бўлган анкета тарқатган эдик,- дейди республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти директорининг биринчи ўринбосари, профессор Қодиржон Рўзиев. — Жавобларга қараб асосан магистратурада таҳсил олаётган, илмий изланишлар билан шуғулланадиган республиканинг барча вилоятларидан энг истеъдодли ёшлардан 35 нафарини саралаб олдик. Шу йўсинда кичик академия ташкил этилди. Агар эътибор берсангиз, буюк олимларнинг кашфиётлари асосан ёшликда амалга оширилган. Ғайрат, шижоатга тўла йигит-қизларнинг одатдан ташқари саволлар билан ҳатто устозларини ҳам лол қолдириши бу фақат ёшликка хос. Шундай пайтда уларнинг саволларига жавоб бера оладиган, илмда тўғри йўлга йўналтирадиган домлалар — профессор, академикларнинг бўлиши нур устига аъло нур бўлмайдими? Нима учун аввал математиклар танланди, деган савол туғилиши мумкин. Ҳаётда, турмушда, табиатда барча воқеа, ҳодисаларни математик моделлаштириш мумкин. Бажариладиган ишларни математик ҳисоблаш арзон, қулайдир. Қолаверса, юртимизда бу соҳада турли мактаблар яратилганки, улар С.Сирожиддинов, Т.Саримсоқов ва яна бир қанча аллома устозларимиз номи билан боғлиқ.

Ўзбекистон Миллий университетида ўтказилган ал-Хоразмий номидаги Республика кичик академиясининг дастлабки сессиясини олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов очиб, ёшларнинг илмий изланишларига муваффақият тилади.

— Илк сессияга тўпланишдан мақсад, — дейди кичик академия раҳбари, академик Шавкат Аюпов, — аввало танлаб олган магистрантларимизнинг илмий салоҳиятини синаш, қолаверса вилоятлардаги замонавий математик йўналишлар бўйича олиб борилаётган ишларни ўрганишдан иборат. Мамлакатимизнинг барча олий ўқув юртларидан танлаб олинган энг истеъдодли талабалар бир ҳафта давомида академиклар Ш. Алимов, Н.Сотимов, Ш.Фармонов ва профессор Н.Ғанихўжаевлар раҳбарлигида математика фанининг долзарб йўналишлари бўйича фаолият олиб борадилар

Дарҳақиқат, ўз тадқиқотлари билан танилган бундай устозлар билан ёнма-ён бўлиш ҳар бир йигит-қизга ҳам насиб этавермайди. Кичик академия аъзолари эса дастлабки учрашувда ўз илмий тадқиқот ишларини аниқлаб оладилар. Ўзбекистон Миллий университети кафедралари, Фанлар академияси институтлари семинарларида қатнашиб, мавжуд илмий муҳит билан танишадилар. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташаббуси ва қўллаб-қувватлаши билан ташкил этилган кичик академиянинг беш кун давомида дастлабки учрашувларининг самарали фаолият олиб бориши учун ижодий муҳит яратилишига Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти ҳамда Ўзбекистон Миллий университети барча шароитларни яратган.

Математика соҳасидаги бундай академия фаолиятининг муваффақияти келгусида бошқа фанлар бўйича ҳам истеъдодли ёшларимиз учун шундай академиялар ташкил қилинишига кенг йўл очади.

**Умида ФАЙЗИЕВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ТИНИҚЛАШАЁТГАН ГАВҲАР

Сахийлигу саховат, ҳиммату мурувват халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган улуғ фазилатки, таърифга сўз тополмайсиз. Ҳазрат Навоий бобомиз эса уни «Сахийлик — одамгарчилик ўлкасининг тўлқинли дарёси, балки у тўлқин дарёсининг асл гавҳаридир», дея тилга олган экан. Гўё Қарияларни қадрлаш йилида ана шу гавҳар янада тиниқлашиб бораётгандай...

Навбаҳор туманидаги Қалқонота қишлоғида 15 ўринли шинамгина шифохона бўларди. Марказий шифохона бош врачи Бобожон Ғаффоров шу масканни қарияларга берсакчи, деган хаёлда экан. Туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Ғулом Облоқулов ҳам «Кўнглимда шундай ният бор эди» деди. Хуллас, ўша мўъжаз шифохона қайта жиҳозланди. Зарур тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Малакали ходимлар ажратилди. Узлуксиз таъминот чоралари белгиланди.

Мана, уч ойдирки, соғломлаштириш марказида қариялар даволанишяпти. Саккиз нафар ҳамшира кечаю кундуз улар атрофида парвона. Муолажа отахону онахонлар истагига боғлиқ. Дори-дармон, уқалаш, овқатланиш — ҳаммаси текин.

— Маҳалла оқсоқоллари билан парваришга муҳтож қарияларнинг уйларига бориб суҳбатлашамиз, — дейди бош ҳамшира Муслима Соатқулова. — Даволаниш умрга-умр қўшишини тушунтирамиз. Кўпчилиги ҳеч иккиланмай шифохонамизга ташриф буюришяпти. 10-15 кун даволангач, анча тетик, бардамлашганини айтиб, дуога қўл кўтаришади.

— Кексаларнинг кўнгли нозик, — дейди «Нуроний» жамғармаси туман бўлими раҳбари Ҳамро Пўлатов, — соғломлаштириш маркази ана шу гулдай дилларга куч-қудрат бахш этяпти. Қадр топган қарияларнинг сўзларини эшитсам, тўлқинланиб кетаман. Кексаларини қадрлаган юрт ҳеч қачон кам бўлмайди.

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили***



# САХОВАТ

Чоғроққина ҳовлисини чойхўрлару ошхўрларга бўшатиб берган Исмоилжон ота чойхонага ташриф буюрган меҳмонни атлас тўшаклар солиниб, юмшоқ болишлар қўйилган сўриларга таклиф этади. Дастурхон солиб, иссиққина чой узатди. Ўғли Адҳамжон тандирдан нон узиб, дастурхонга келтиради.

Отанинг уй-жойи бозор ўртасида қолиб кетди. Нима қилиш керак? Айвонлари бирбирига уланиб кетган, хоналари бисёр иморатларни бузиб ташлашга, айниқса ҳовлини бутунлай «ўзиники» қилиб олган узумзорнинг бахридан ўтишга булоқбошилик оқсоқолларнинг кўзи қиймади. Бозор мутасаддилари эса ҳовли жойни бузиб ташлаш учун жон-жаҳдлари билан курашишди.

— Мен-ку ўғилларимминан бир кунимни кўрарман, кўчада қолмасман, — деди ота. — Аммо узумзоримга ачиняпман.

— Қанча ҳосил оласиз?

— Ўн беш - йигирма туп токимиз бор, — қорамағиз юзларига кулги инади Исмоилжон отанинг. — Кам деганда икки ярим-уч тонна ҳосил беради.

— Демак узум йили бўлибди-да.

— Йўқ, ҳар йили шундай. Кўпчиликнинг ризқи қўшилганиданми, ботмонлаб ҳосил оламиз. Жониворнинг бирон донаси бўлсин касалланмайди.

— Қиш олдидан шунча токни ерга кўмиш, эрта баҳорда уни очиб, сўритокларга тарашда қийналиб қолмайсизлармиз?

— Токларни кўммаймиз. Биз, боғбонлар тили билан айтганда улар қайроқи бўлиб қолган. Яъни унча-мунча совуққа бемалол бардош бера олади. Новдалар танасини ўраб турган пўстлоққа ўрнашиб олган курт-қумурсқалар эса совуқда қирилиб-битади. Аммо ток остидан қуриган, саратон офтобига тўйинган қақир кесакни узмаймиз. Узум қуруқликни ёқтиради, биродар.

— Ўтирган жойларимиз Исмоилжонга отамерос, — суҳбатга қўшилади меҳнат фахрийси Садриддин ота Қамбариддинов. — Чоғроққина ҳовлиси бор эди, бозорга туташ. Биласиз, бозорга узоқ-яқиндан келишади. Рости, бозор ичкарисида, унинг атрофида бир оз дам олиб, нафас ростлайдиган жой йўқ эди. Биродаримиз ўз уйининг бир қисмини чойхона учун бўшатиб берди. Бозор кунлари бу ерга одам сиғмай кетади. Қолган пайтда биз, кексалар шу ерга тўпланамиз, ҳордиқ чиқарамиз. Биров чойхўрлик қилади, яна бошқаси қатор ўрнатилган қозонларда половхонтўра пиширади. Ҳовли бурчагидаги наввойхонадан иссиқ нон узилмайди. Умридан барака топсин Исмоилжоннинг. Шунча савоб ишларнинг тепасида турибди.

— Булоқбоши бозори Исмоилжон ота ҳовлисидаги узумзор билан машҳур, — дейди яна бир суҳбатдошимиз Эргашбой. — Бу ерга келувчилар пича дам олиб, тамадди қилишдан ташқари узум етиштириш, супрадай жойдан тонналаб ҳосил олиш сирлариниям ўрганиб кетадилар. Лекин узум етиштиришда бу атрофда Абдурашид ота Ҳурматов деган боғбонга тенг келадигани йўқ.

Жўраполвон Ғойипов номли ширкат хўжалигининг пудратчиси бўлган бу ажойиб инсон ҳақида илгари ҳам кўп эшитганмиз. Узум сақлашни ўша кишига чиқарган. Қиш чилласи бўладими, баҳор бошланиб мевалар селгиб қолган пайтдами барибир унинг узумлари эндигина узилгандай тураверади.

— Бор-йўғи бир гектар узумзори бору аммо ўн гектарнинг ҳосилини олади, азамат, — тан беради ҳамқишлоқлари. — Баргидан меваси кўп-а, токларининг.

Қисқаси, Исмоилжон отанинг бозор ўртасидаги узумзоридан олинаётган неъмат — қиш бўйи ўнлаб, юзлаб хонадонлар дастурхонини тўлдирди. Тўй ва шодиёналарга асқотди. Саховатпеша инсон — Исмоилжон отага одамларнинг раҳмати ёғилди, дуоси тегди.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Наврўз айёми арафасида банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида Яккабоғ туман ҳокимлиги томонидан бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.***

# Наврўзда ишли бўлишди

Ярмаркада 59 та корхона ва ташкилот ўзларидаги 252 та бўш иш ўринлари билан қатнашдилар ва корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот намуналарини намойиш этдилар. Бундан ташқари, ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқарилаётган ҳар хил турдаги кенг истеъмол моллари кўргазмаси ҳам ташкил этилиб, унда туманда фаолият кўрсатиб келаётган ҳунармандлар ўзлари тайёрлаган ҳар хил рўзғор буюмлари билан иштирок этдилар.

Бўш иш ўринлари ярмаркасида 433 нафар ишга талабгор фуқаролар иш сўраб мурожаат қилдилар. Улардан 190 нафарига йўлланма берилиб, улар тумандаги турли корхона ва ташкилотларга доимий ишга жойлашдилар. 60 киши вақтинчалик ҳақ тўланадиган жамоат ишларига, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларида ободонлаштириш, эски бино ва йўлларни таъмирлаш ишларига сафарбар этилди. 20 киши «Уста-шогирд» усулида касб эгаллаш учун тумандаги ҳунармандлар ҳузурига ўқув курсларига юборилди.

Ярмарка давомида кўпгина фуқароларга меҳнат қонунлари, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, пенсия таъминоти ва бошқа масалалар бўйича давлат меҳнат ҳуқуқ инспектори, давлат меҳнат техника инспектори, тадбиркорлар палатаси, ижтимоий таъминот бўлими ва бошқа тегишли мутахассислар томонидан ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

**Отабек САФАРОВ,**
**Яккабоғ тумани ҳокимлиги Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими ходими.**

Шошилинг!!!

«ЎзДЭУавто» компанияси



қойилмақом ютуқ — БИТТА АВТОМОБИЛЬ ПУЛИГА ИККИТА АВТОМОБИЛНИНГ бахтли соҳиби бўлишга имкон яратади!

Ўйин Ўзбекистон телевидениесининг биринчи канали орқали намойиш этилади.

7 мартдан бошлаб ўйинда иштирок этадиган 2500 автомобиль сотила бошлади!

Шошилинг! Имкониятингизни бой берманг!

Компаниянинг дилерлик корхоналари сизларни кутмоқда!

UZ-DAEWOO
UZ-DAEWOO AUTO CO.



*Ўйин шартлари:*

- *ўйинда 2002 йил 7 мартдан бошлаб сотилган дастлабки 2500 автомобиль иштирок этади;*
- *автомобиллар компаниянинг расмий дилерлик корхоналари автосалонларида сотиб олинган бўлиши шарт;*
- *ютуқ соҳиблари сотилган автомобилларнинг кузов рақамлари бўйича ўтказилган лотерея ўйини натижасига кўра аниқланадилар;*
- *ютуқ соҳибига ўзи сотиб олган автомобиль русумидаги автомобиль совға қилинади.*

Маълумот учун компаниянинг Тошкентдаги ваколатхонаси телефонлари: 67-97-74, 67-33-65.

Матбуотдан хабардор бўлиб туринг: автомобиль сотиб олган ҳар бир шахс ютуқ эгаси бўлувчи номзодлар рўйхатига киритилади. Телевидениеда ўйин ўтказилишидан аввал иштирокчиларнинг исм ва фамилиялари «Халқ сўзи», «Народное слово», «Правда Востока», «Ўзбекистон овози» ва «Қишлоқ ҳаёти» газеталарида чоп этилади!
Барча саволлар бўйича компаниянинг расмий дилерларига мурожаат қилинг.

5491

# Хоразмда янги коллеж

Гурлан туманидаги «Гулистон» ширкат хўжалигида янги касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди.

Туман ва вилоят марказидан ўнлаб чақирим узоқликда жойлашган ушбу ўқув юртида юзлаб йигит ва қиз замонавий касбларни эгаллаши мумкин. Коллеждаги амалий фанларнинг турли йўналишлари бўйича яхши жиҳозланган ўқув хоналари, компьютер синфи, ишлаб чиқариш устахоналари ва спорт зали ўқувчилар ихтиёрига ҳавола этилди.

Бу ерда нафақат гурланлик ёшлар, балки Хоразм вилояти ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг бошқа қўшни туманларида истиқомат қилувчи йигит-қизлар ҳам билим олиши мумкин.

Коллежнинг очилиш маросимида вилоят ҳокими И.Бобожонов сўзга чиқди.

**Т.ШАМАКОВ,**
**ЎзА мухбири.**




5265/18

**Термизнинг 2500 йиллигига**

# Қуёш шаҳри

*Ўгай эмас, арзандасан,*
*Момо қуёш фарзандисан.*

*Бағринг оташ, меҳринг — оташ,*
*Нима менга румо, юнон.*
*Айро тушсам сендан агар*
*Суякларим қақшар чунон.*

*Етти олам сарварининг*
*Иноятн, ҳотамлиги —*
*Балки сенда бошлангандир*
*Одамзоднинг одамлиги.*

*Будда, зардушт... эврилишлар,*
*Замонлардан нишон ўзинг.*
*Сенсан қадим Бахтарзамин,*
*Шон-шавкатли Кушон ўзинг.*

*Кундуз — қуёш, тунлари — ой,*
*Боши узра баркаш эрур.*
*Шовиллайди, қайнаб башар,*
*Агарчи, у саркаш эрур.*

*Юввош тортар келиб Аму*
*Ал-Ҳакимнинг пойларига.*
*Бермоқчимас гўё халал*
*Пири комил ўйларига.*



*Ўтди-кетди оламнинг, ҳа,*
*Доролари, Чингизлари.*
*Қолди фақат, қолди мангу*
*Термизийдек тенгсизлари.*

*То ҳидоят иншоси бор*
*Варроқлардан варроқларда,*
*Барқарордир нури иймон*
*Кўнгилларда, қароқларда.*

*Дўмбирасин чертмаклари*
*Бойчиборнинг ёлларидан.*
*Ривоятлар тингланг бир зум*
*Зукко бахши чолларидан.*

*Англагайсиз бу юрт нечун,*
*Футувватга тимсол бўлди.*
*Мардлар шаҳри бўлди нечун,*
*Мадинат-ул- рижол бўлди.*

*Эй, она юрт, мардона юрт,*
*Ватанимга остона юрт.*
*Бешигимсан, мозоримсан,*
*Керак эмас бегона юрт.*

*Баланд эди рутбанг азал,*
*Баланд бўлгин, авло бўлгин.*
*Қўлидан тут, яна неча —*
*Румийларга мавло бўлгин.*

*Мўйсафиду ҳам навқирон,*
*Тўйлашавер шу ёш билан.*
*Момо қуёш фарзандисан,*
*Бўйлашавер қуёш билан!*

**Муҳаммад РАҲМОН.**

**Таэквандо-ITF**

**Таэквандо мамлакатимизда тез оммалашиб бораётган спорт турларидан бири ҳисобланади. Унинг мухлислари ҳам тобора кўпаймоқда. Жиззах шаҳридаги Олимпия заҳиралари коллежида 8-14 ёшдаги рангли белбоғ соҳиблари ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионати шундан далолат берди. Мусобақаларда 1000 дан ошиқ ёш спортчилар иштирок этди. Ҳатто таэквандо анча суст ривожланаётган минтақалар — Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё вилоятидан бу чемпионатга вакиллар етиб келиб, тажриба ва маҳоратларини оширишди. Тахиатош шаҳрида ташкил этилган таэквандо маркази вице-президенти Ҳожимуҳам Сугировнинг шогирдлари мутахассисларда яхши таассурот қолдирди.**



## Татами таассуротлари:

# Жиззахдан Фарғонагача



"Косонсой" клуби президенти Жўрабек Болтабоев бошчилигидаги Наманган вилояти вакиллари эса ҳар доимгидек ғолибликка даъвогарлардан бўлишди. "Косонсой"ликлар шу кунгача ўтказилган беллашувларда 90дан ортиқ медалларни қўлга киритишган. Бу ерда 60-70 ёшли отахонларнинг таэквандо билан дўст тутингани навқирон авлоднинг ушбу спорт турига бўлган қизиқишини янада орттирмоқда. "Косонсой-Текмен" қўшма корхонаси клуб фаолиятига ҳар томонлама ёрдам бериб келаётганини ҳам таъкидлаш жоиз.

Тўйтепанинг "Чаглаён", пойтахтнинг "Чилонзорчи" клублари кўплаб чемпионлар етиштириб чиқараётгани билан ажралиб туради.

— Эндиликда таэквандо вилоятларимизда жадал ривожланаётганидан мамнунман, — дейди "Чилонзорчи" клуби президенти Раҳим Аҳмедов. — Илгари бизга рақиб топилмасди. Ҳозирчи? Барча жамоалар медаль учун курашади. Шундай бўлиши табиий ҳам. Мана, бизнинг клубда шуғулланадиган 375 нафар таэквандочининг ҳар бири чемпион бўлсам, дейди.

Клуб директори Ойбек Йўлдошевнинг гапларига қараганда, унинг шогирдлари бугун бу ерда фахрли ўринни қўлга киритиш билан бирга эртадан 29-30 март кунлари Фарғонада ўтказиладиган турнирга тайёргарликни бошлашади.

Дарвоқе, шу ҳафтанинг жума-шанба кунлари Фарғонадаги "Кимёгарлар" спорт мажмуида таэквандо бўйича навбатдаги беллашувлар бўлиб ўтади. Модомики, татами таассуротлари ҳам водийда давом этади.

**Озод БЕК,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**
**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.**



**ҲИКМАТ**

***Адашма тўғри йўлдан, эгри йўлни ихтиёр этма.***

**САВОЛ БИЗДАН...**

**Бу шаҳарнинг номи испан тилидан таржима қилинганда «Эзгу шамоллар» деган маънони билдиради. Унда бунёд этилган Конгресс биноси французча услубда яратилган. Гап қайси шаҳар ҳақида боряпти?**

**136-35-60**

***Ўтган сондаги саволнинг жавоби:***
Эльба ороли Ўрта Ер денгизида жойлашган.

2002 йил 26 апрель
**ЭЪЛОН!**
соат 10.00 да

**№-769 "Тошкент-Сирдарё",**
**№-771 "Наманган-Марғилон",**
**№-945 "Шаҳрисабз-Урганч",**
**№-1027 "Тошкент-Толимаржон.ГРЭС",**
**№-940 "Қарши-Оқтош",**
**№-835 "Андижон-Марғилон",**
**№-805 "Самарқанд-Усмат",**
**№-886 "Самарқанд-Усмат",**
**№ - 714 «Урганч-Бухоро», Бухоро томонидан,**
**№ - 717 «Самарқанд-Жиззах», Самарқанд томонидан,**
**№ - 724 «Наманган- Қўқон», Фарғона томонидан,**
**№ - 725 «Андижон- Қўқон», Фарғона томонидан,**
**№ - 732 «Бухоро-Қарши», Қашқадарё томонидан,**
**№ - 785 «Самарқанд-Сирдарё», Сирдарё томонидан,**
**№ - 804 «Самарқанд-Қарши», Қашқадарё томонидан,**
**№ - 753 «Наманган-Андижон», Наманган томонидан**

**шаҳарлараро-вилоятлараро автобус йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун**

**ОЧИҚ ТЕНДЕР ЎТКАЗИЛАДИ.**

Очиқ тендерда мулкчилик шаклидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатга олинган, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва шаҳарлараро-вилоятлараро йўловчи ташиш автомобиль транспортида ташишни амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензияси бўлган хўжалик юритувчи субъектлар иштирок этиши мумкин.

**Тендер ташкилотчиси** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли қарори билан тузилган шаҳарлараро-вилоятлараро ва халқаро йўналишларни жойлаштириш учун очиқ тендерлар ўтказишни ташкил этиш масалалари бўйича **идоралараро комиссия.**

**Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Анҳор бўйи кўчаси, 4-уй.**

Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар **идоралараро комиссияга** тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун ***2002 йил 21 апрель соат 17.00 дан*** кечикмай буюртма беришлари лозим.

**Идоралараро комиссия** тендер таклифларини ***2002 йил 25 апрель соат 17.00 гача*** қабул қилади.



**ТЕНДЕР ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Анҳор бўйи кўчаси, 4-уй, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги мажлислар зали.**

**Маълумот учун телефон: 41-56-27.**

5496/504



**ВЫБИРАЙТЕ ПОСТОЯННОГО и НАДЕЖНОГО ПАРТНЕРА!**

официальный дилер KAMAZ

Только у нас вагонные поставки и всегда в наличии на складе новые, растаможенные, любой модификации и комплектации

**АВТОМОБИЛИ**

ГАЗ, ВАЗ, УАЗ, Дэу, Хундай, Тойота, Мицубиси, Нисан и др.





**СПЕЦАВТОТЕХНИКА** для нефтяных, строительных, сельскохозяйственных и других промыслов на базе КамАЗа, МАЗа, КрАЗа, БелАЗа тракторы колесные и гусеничные, автобусы

...а также **ЗАПЧАСТИ АВТОШИНЫ**

**ПРИГЛАШАЕМ К СОТРУДНИЧЕСТВУ** руководителей и снабженцев предприятий, а также частных лиц. Поможем реализовать АВТОМОБИЛИ, СПЕЦ. И СЕЛЬХОЗТЕХНИКУ.

Тел.: (3712) 50-03-76, 50-16-76, тел./факс 50-97-95.

5475/510

**Россия фирмаси** йигирув ишлаб чиқариши чиқиндиси — қайта тараш тарандиларини юқори нархларда сотиб олади.

Стандарт №15

Тел.: (99871)169-39-06; 169-70-67.

**Ҳурматли хонимлар ва жаноблар !**

**«АСАКА» БАНКИ**

2002 йил 1 февралдан бошлаб банк амалиётларининг асосий йўналишлари бўйича хизмат кўрсатиш тарифларини **30%дан 50%гача** камайтирганлигини такроран эълон қилади.

**«Асака» банки сизни ўзаро манфаатли ҳамкорликка чорлайди !**

*Маълумот учун телефонлар: 120-83-83, 120-81-62, 120-82-98, 120-82-66.*
*Манзилимиз: 700015, Тошкент шаҳри, «Нукус» кўчаси, 67-уй.*
*Банк филиаллари — Нукус шаҳри ва барча вилоят марказларида жойлашган.*

5277/161

**ТАШКИЛОТ ЧЎЯН РАДИАТОРЛАРНИ вагонлаб етказиб беради.**

Тошкентдаги омбордан Россияда ишлаб чиқарилган қуйидаги **САНТЕХНИКА ЖИҲОЗЛАРИНИ СОТАДИ:**

чўян ванналар 150 см. ва 170 см.;
умивальниклар тўплами;
унитазлар тўплами;
ошхона учун мойкалар;
ванна ва ошхона учун смесителлар;
линолеум (15 хил).

Тел.: 137-72-24, 137-72-23.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги жамоаси вазирлик ишлар бошқармаси бошлиғи Қаҳрамон Мамадиёровга опаси

**Ойтўхта МАМАДИЁРОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади ва ҳамдардлик билдиради.

«Ўзбексавдо» акциядорлик компаниясига қарашли «Тижорат» республика савдо ва ишлаб чиқариш фирмаси жамоаси бош ҳисобчиси Иброҳим Қосимовга онаси

**ЛУТФИХОН аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Реклама ва эълонлар 136-09-25

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худоёров, И. Шоғуломов, О. Қаипбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 136-29-89; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 294. 38254 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшид ТОҒАЕВ ва Зокир БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Таҳририятга ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
т -Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Эшматов.
Навбатчи — М. Норматов.
Мусаҳҳиҳ — О. Абдуазимов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 топширилди: 21.00 1 2 3 4 5 6